

Ишлатиш (қўллаш) – олинган билимни бошқа шароитларда қўллаш (ишлатиш, ечиш, тажриба ўтказиш, қўллаш, кузатиш, олдиндан башорат қилиш, бирор-бир муаммони ҳал қилиш)ни ўз ичига қамраб олади.

Таҳлил (анализ) – тушунчалар орасидаги асосий муносабатларни аниқлаш ва уларнинг моҳиятини тушуниш, соҳа материалини (билим, ҳодиса, машина, маълумот) ташкил этувчиларга (таркибий қисмларга) бўлиб чиқиш ва уларнинг ҳар бирининг вазифасини тушуниб олиш [3,4].

Оддийдан мураккабга ва мураккабдан оддийга йўналишида таҳлил қила олиш (қисмлар орасидаги муносабатларни аниқлаш, бир-бирига улаш, бирлаштириш, бўлиб чиқиш, туркумларга ажратиш, гуруҳларга ажратиш, умумий қонуниятларни топиш, тоифаларга бўлиб чиқиш).

Синтез – янги нарсани (билим, предмет, машинани) унинг бир қанча қисмларидан (бўлақларидан) уларнинг хоссаларидан фойдаланган ҳолда ташкил қилиш (тузиш, конструкция йиғиш, комбинациялаш, янги фикр яратиш, янги фаразларни таклиф қилиш), уларни синашни амалга ошириш ва натижа асосида янгиларини мавжудларига рақобатчи сифатида ишлаб чиқиш.

Адабиётлар

1. Фан ва таълимда ахборот-коммуникация технологиялари: Республика илмий-амалий конференцияси маърузалар тўплами. – Т.: ТАТУ.
2. Толипов Ў.Қ., Усмонбоев С.А. Педагогик технологияларнинг татбиқий асослари. Ўқув қўлланма. – Т.: «Фан ва технология», 2006.
3. Мавлонова Р. Педагогика дарслиги. – Т.: «Ўқитувчи», 2008. 215-б.
4. Расулова З.Д. Меҳнат таълими фанини инновацион таълим технологиялари асосида ўқитиш педагогик муаммо сифатида. Педагогик маҳорат. 2019, 1-сон, 36-38-б.

Мақолада ахборот - коммуникация технологиялари асосида Технологик таълими йўналишлари дарс жараёнларини самарали ташкил этишнинг назарий жиҳатлари келтирилган. Сервис хизмати фани мавзуси мисолида электрон дарс ишланма амалий жиҳатдан ишлаб чиқилган.

РЕЗЮМЕ

РЕЗЮМЕ

В статье приведены теоретические аспекты эффективной организации процесса преподавания предмета с использованием информационно-коммуникационных технологий по направлению «Технология». На примере предмета «Сервисное обслуживание» с практической стороны разработан конспект урока.

SUMMARY

The article describes the theoretical aspects of effective organization of the process of teaching a subject using information and communication technologies in the direction «Technology». On the example of the subject «Service» from the practical point of view, a lesson summary has been developed.

МУСИҚАНИНГ ТАРБИЯВИЙ АҲАМИЯТИ ВА ЎЗБЕК МУМТОЗ МУСИҚА САНЪАТИ

С.Романова - педагогика фанлари номзоди

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: мумтоз мусиқа, ижод, педагогик фаолият, мусикий қобилият, дикция, асардаги алоҳида кочиришлар, безак, унли товуш.

Ключевые слова: классическая музыка, творчество, педагогическая деятельность, музыкальная способность, дикция, особенности отступления в произведениях, мелизмы, гласные звуки.

Key words: classical music, creative activity, pedagogical activity, musical ability, diction, particularities retreat in product, melizms, vowel sounds.

Мусиқа санъати инсон руҳияти ҳамда ижтимоий воқеликлар ҳолатини ифода этувчи восита, шунингдек, идрок этишнинг ўзига хос шакли ҳисобланади. Мусиқа асарини яратишда ижодкор муайян образлар воситасида юксак инсоний сифатларни ёритади. Мусиқа ва қўшиқларда табиат манзаралари, инсонларга хос хусусиятлар, ижтимоий муносабатлар, ижобий психологик ҳолатлар – хурсандчилик ёки аксинча, салбий ҳолат – ғам-алам, истироб, тушқунлик каби ҳодисалар ифодаланади.

Мусиқанинг тарбиявий аҳамияти шундаки, улар кишиларнинг онгини ўстириш, иродавий сифатларини ривожлантириш, ҳиссиётини бойитишга эмоционал таъсирини кўрсатади. Талабалар даврида гўзалликни тушуниш, мусиқий асарлардаги кайфият, ҳис-ҳаяжон, воқеликнинг мазмунини англаш онгли кечади. Мумтоз мусиқа асарлари воситасида талабаларда бадиий дидни шакллантириш энг аввало, асарнинг мусиқий матнини идрок этиш, оҳанг тузилиши, товушлар ранг-баранглигини ҳис қилишдан бошланади.

Оҳанглар таъсирида инсон руҳиятида муайян психологик ҳодисалар рўй бериб, ижобий ва салбий

кайфиятларни юзага келтиради. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, мумтоз асарлар инсон руҳиятида энг нозик ҳисларни юзага келишига таъсир этади. Юксак маҳорат билан билан ижро этилувчи мумтоз асарларнинг барчаси инсонда кўтаринки кайфиятни ҳосил қилади. Мумтоз асарларни доимий равишда ўрганиб бориш бўлажак мусиқа ўқитувчиларида ҳақиқий санъат асарларининг кийматини тўғри баҳолаш кўникмаларини шакллантиради, бадиий савияси паст бўлган, мазмунсиз куй ва қўшиқларни тинглаш учун вақтни сарфлашнинг олдини олишга уринганлар.

Шунини ёддан чиқармаслик лозимки, бўлажак мусиқа ўқитувчиларида бадиий дид мусиқий асарларнинг бадиий киймати ва ижро даражасини баҳолаш олиш кўникмасига эғалиқдангина намоён бўлмай, уларни юксак маҳорат билан ижро эта олишларида ҳам намоён бўлади.

Мусиқий асарлардаги жозибани идрок этишда унинг ташқи мезонлари, хусусан, шакл тузилишидан хабардор бўлиш талаб этилади. Масалан, оддий куплетли қўшиқлардаги жозоба, энг аввало, унинг шеърый матни

тузилиши, мазмунини идрок этишдан бошланади. Шеърый матн қаторларининг ўзаро симметрик жойлашуви, улардаги бўғинлар талаффузи, турокларнинг бир-бирига мос келиши, қаторлар охиридаги сўзларнинг ўзаро қофиядош бўлиши унинг жозибдорлигини идрок этишнинг асосий омиллари саналади. Яна бир омил – шеърый матннинг оҳанг билан симметрия ҳосил қила олиши, синхром равишда таъкидланишидир. Овоз ёки товуш бўғинларининг ёрқин ифодавийлиги, оҳангнинг турли интервалларда ҳаракатланиши орқали шеър мазмунининг ифодаланиши ҳам муҳим омил сифатида эътироф этилади.

Муסיкий асарларни яратишда ички омиллар билан бирга ташқи деталларнинг таъсири ҳам инобатга олинади. Масалан, инсон кайфияти, табиат манзаралари ёки ижтимоий воқелик уларга хос бўлган хусусиятларнинг оҳанглар ёрдамида ифодаланиши асосида ёритиб берилади. Бунда оҳанг ритми, суръати, тонига алоҳида эътибор қаратилади. Образлар учун характерли хусусиятларнинг белгиланиши муҳим аҳамиятга эга.

Ўзаллики идрок этишнинг ижтимоий мезонлари ҳам мавжуддир. Бу ҳолат муסיкий асарларда муайян даврга хос ҳолатларнинг ифодаланишидан далолат беради. Ҳар бир даврда устивор ўрин тутувчи ижтимоий-сиёсий, иқтисодий зарурат улардан тўғри ҳулосалар чиқариб олишни тақозо этади. Мазмунида инсоний муносабатлар, халқнинг турмуш тарзи, инсон ва табиат бирлиги ифодаланган асарлар талабалар томонидан улар моҳиятининг ангиланишига ёрдам бериш билан бирга уларни мустақил ҳаётга тайёрлайди.

Мумтоз ўзбек муסיқаси воситасида талабаларда бадиий дидни шакллантиришда ижтимоий омилларнинг ҳам роли бекиёс. Чунончи: оилавий анъаналар; оммавий байрамлар; оммавий ахборот воситалари; таниқли қўшиқчи ва созандаларнинг иш тажрибалари ва ижро услублари ташқи ижтимоий омил саналса, магнит ёзувлар, миллий чоғу асбоблари, шеърый матнлар, ўқув адабиётлари-ўқув дастурлари, дарсликлар, қўлланмалар, дарс ишланмалари ва бошқалар ички ижтимоий омиллар сифатида муҳим аҳамиятга эга.

Талабалар бадиий дидини шакллантириш жараёнида ўқитувчи асосий ўрин тутади. Мутахассис-ўқитувчиларнинг бўлажак муסיқа ўқитувчилари бадиий дидини шакллантиришдаги асосий вазифалари мавжуд. Бунда ўқувчи талабаларнинг мумтоз ўзбек муסיқасига бўлган муносабатларини ўрганиш, уларнинг мумтоз куй ва қўшиқларни ўрганишга бўлган эҳтиёж ва қизиқишлари даражасини объектив баҳолаш, талабаларнинг ёш хусусиятлари, шахсий имконият-

лари ва алоҳида иқтидорлари тўғрисидаги маълумотларга эга бўлишдир. Шунингдек, талабаларнинг эҳтиёжлари, қизиқишлари, мумтоз муסיқа меросига бўлган муносабатлари, овоз имкониятлари, иқтидорлари, билим даражалари ҳамда ижро кўникмаларига мувофиқ улар томонидан ўрганилиши учун мумтоз куй-қўшиқлар мажмуини шакллантириш, уларни мумтоз асарлардан намуналар ижро этиш кўникмасини шакллантиришга ёрдам берувчи самарали методикага эга бўлиш ва машғулоти педагогик, психологик ҳамда методик талабаларга мувофиқ тўғри ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Машғулоти жараёнида кўргазмали методик воситалардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш, талабалар томонидан ўзлаштирилган мумтоз муסיқа асарларининг назарий ва ижро асослари борасидаги билимларни, шунингдек, уларда шаклланган бадиий дид даражасини объектив баҳолаш уларда мумтоз асарларни севиш сингари тарбиявий мақсадларда амалга ошади.

Талабалар юксак бадиий савияга эга мумтоз асарларни ўрганишда уларнинг яратилиш тарихи ва ижро услубларига оид маълумотларни ўзлаштиришни истайдилар. Бундай истакнинг юзага келиши таълимни муваффақиятли ташкил этилишининг бошланғич омили ҳисобланади. Мумтоз асарларни ижро этиш учун талабаларнинг муайян кўникма ва малакаларга эга бўлишлари талаб этилади. Булар:

-Асарни катта қизиқиш ва ҳис-ҳаяжон билан тинглаш;

-муסיқани куйлаш ёки чалишга нисбатан эҳтиёжга эга бўлиш;

-асардаги нозик қочирим, безак ва нолаларни ижро эта олиш устида иш олиб бориш;

-сўздаги унли товушларни, бўғинлар ва сўзлар талаффузи устида ишлаш;

-куй ва қўшиқларни уларнинг мазмунига мувофиқ ижро этишга эришиш, ижро чоғида динамик ранг-барангликни таъминлаш;

-юксак маҳорат билан чалиш ва куйлаш кўникмаларини ўзлаштириш ва ҳоказо.

Бундан ташқари ўқитувчи талабаларга ўз имкониятидан келиб чиққан ҳолда ўзига мос репертуар танлай олиш ҳамда аудитория хусусиятидан келиб чиқиб куй ва қўшиқларни ижро этиш сирларини ҳам ўргатиб бориши лозим. Маҳорат билан шакллантирилган репертуар, муסיкий асарларни овоз диапозонига мос келишига эришиш кўникмалари ҳам талабаларда бевосита ўқитувчи ёрдамида шакллантирилади.

Адабиётлар

1. Ботиров Й. Бўлажак муסיқа ўқитувчиларининг касбий тайёргарлик самарадорлигини оширишда Ю.Ражабий муסיкий меросидан фойдаланиш. –Т.: //“ Педагогик таълим”. 2003. № 1, 43-6.

РЕЗЮМЕ

Мақолада бўлажак муסיқа ўқитувчилари юксак бадиий савияга эга мумтоз асарларни ўрганишда уларнинг яратилиш тарихи ва ижро услубларига оид маълумотларни ўзлаштириш таълимни муваффақиятли ташкил этишнинг бошланғич омили эканлиги, мумтоз асарларни ижро этиш учун уларда муайян кўникма ва малакаларга эга бўлишлари зарурлиги ҳақида сўз боради.

РЕЗЮМЕ

В статье будущие учителя музыки узнают, как создавать классические произведения высокого искусства, а также научатся создавать и воспроизводить их, что является основным фактором успешной организации обучения, описываются также способы их использования для исполнения классических произведений, требования к квалификации и навыкам.

SUMMARY

The article is of a great importance for future teachers in music, because it contains valuable information how to create classical works of a high artistic level and perform them. It is one of the main factors of successful teaching, the author also describes the ways of performing classical works, requirements to the qualification and skill.

ЁШЛАР ЎРТАСИДА СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ СИФАТИДА

А.И.Саидов - педагогика фанлари номзоди, доцент

Самарқанд давлат чет тиллари институти

Таянч сўзлар: ёшлар, соғлом авлод, соғлом турмуш тарзи, соғлом турмуш психологияси, билим ва кўникма.

Ключевые слова: молодость, здоровое поколение, здоровый образ жизни, психология здорового образа жизни, знания и навыки.

Key words: youth, healthy generation, healthy lifestyle, the psychology of healthy lifestyle, knowledge and skills.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган кундан бошлаб ҳукуматимиз кучли ижтимоий сиёсатни

амалга ошириш тўғрисида ғамхўрлик қила бошлади. Бу ғамхўрлик албатта, оилада соғлом турмуш тарзини